

Суднинг ҳукмда баён қилган хулосаларида жиддий зиддиятлар мавжуд бўлиб, улар судланувчининг айблилиги масаласини ҳал қилишга, Жиноят кодексининг нормаларини қўллашга ва жазо чорасини белгилашга таъсир кўрсатгани учун суд қарорлари бекор қилинди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2010 йил 25 ноябрдаги ҳукмига кўра, Э. Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми «и» банди, 164-моддаси 3-қисмининг «б,г» бандлари билан Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида узил-кесил 16 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти суди апелляция инстанциясининг 2010 йил 22 декабрдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Э. қуйидаги ҳолатларда жиноятлар содир этганликда айбли деб топилган.

Э. 2010 йил 18 апрель куни соат 11 ларда Тошкент шаҳридаги «Сирғали автомашиналар бозори»да автомашина савдоси билан шуғулланувчи Г.дан 2009 йилда ишлаб чиқарилган «Нексия» русумли «20 В 018 АА» давлат рақамли автомашинани 8.300 АҚШ доллари, яъни 12.719.000 сўмга сотиб олишга келишиб, 50.000 сўм гаров пули бериб, қолганини икки-уч кунда беришни ваъда қилиб, Г. билан биргаликда мазкур автомашинада Тошкент-Термиз йўналиши бўйлаб йўлга чиқишган.

Чиноз тумани ҳудудига ўтиш жойида Э. ва Г. автомашинанинг гаров пули хусусида ўзаро тортишиб қолишган. Г. автомашинани тўхтатганда Э. Г.ни қасдан ўлдириш мақсадида ёнида бўлган ясама пичокни олиб, ўнг кўкрак қисмига икки марта, ўнг сон қисмига бир марта урган. Г. ўзини ҳимоя қилиб, Э.дан пичокни тортиб олиб, Э.нинг қорнига урган пайтда Э. автомашинадан тушиб воқеа жойидан қочиб кетган. Г. автомашинани Тошкент шаҳри томон бошқариб бориб, Янгийўл тумани ҳудудида тўхтаб қолган. Шу ердан ўтиб кетаётган фуқаро С. ва бошқалар тан жароҳати олган Г.га

ёрдам кўрсатиб, уни Янгийўл туманида жойлашган марказий касалхонага олиб боришган. Бироқ Г. олган тан жароҳатлари натижасида касалхонада вафот этган.

Жиноят процессуал кодексининг 22-моддасида, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши, ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек, унинг жавобгарлигини ҳам энгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозимлиги белгилаб қўйилган.

Олий суд Пленумининг 1997 йил 2 майдаги «Суд ҳукми тўғрисида»ги қарорининг 2-бандида, судлар ҳукм чиқаришда суднинг ҳукми қонуний ва адолатли бўлиши, далилларнинг бевосита ва оғзаки усулда текширилиши асосида чиқарилиши ва иш бўйича ҳақиқий ҳолатни аниқлаш тўғрисидаги жиноят процессининг муҳим тамойилларига амал қилишлари; 5-бандида, иш бўйича ҳукм иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-қўстлар тўлдирилгандан кейингина чиқарилиши, судланувчининг айбдорлиги ёки айбсизлиги тўғрисидаги суднинг хулосаларига зид бўлган далиллар ҳукмда нима учун улар ишончсиз деб топилганлиги ва рад этилганлиги сабаблари асослангандирилган ҳолда кўрсатилиши, ҳукмда судланувчининг жиноий ҳаракатларини фош қиладиган, оқлайдиган далилларга асосланганда, суд уларнинг мазмунини очиқ ташлаши ва тегишли баҳо бериши лозимлиги кўрсатилган. Бироқ иш бўйича баён этилган қонун талаби ва Пленум қарори тушунтиришларига риоя этилмаган.

Э.ни жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорда, Э.га олдиндан қўлбола пичоқ билан қуролланиб, 2010 йил 18 апрель куни «Сирғали автоулов бозори»га келганлиги, Г. билан танишиб, 2009 йилда ишлаб чиқарилган «Нексия» русумли автомашинани 8.300 АҚШ долларига сотиб олишга келишиб, 50.000 сўм гаров пулини бериб, кейинчалик мазкур автомашинани қўлга киритиш мақсадида Г.га ҳужум қилиб, бир неча марта унга пичоқ уриб, воқеа

жойидан яшириниб, ўзининг ҳаракатлари билан босқинчилик ва таъмагирлик ниятида қасддан одам ўлдириш жиноятларини содир этганликда айб эълон қилинган.

Э. дастлабки тергов ва судда, Г. билан унинг «Нексия» русумли автомашинасини 8.300 АҚШ долларига сотиб олишга келишгани, 800 АҚШ доллари беришини, қолган пулни 2-3 кунда олиб келишини билдирганида, Г. шартнома тузиб, автомашинани қулфлаб қўйишларини айтгани, Г.га 50.000 сўм берганидан сўнг иккиси ушбу автомашинага ўтириб, «Тошкент-Термиз» йўналиши бўйлаб йўлга чиқишгани, йўлда Г. ким биландир уяли телефон орқали гаплашиб, яна 3.000 АҚШ доллари бериши кераклигини айтгани, шунда у Г.га олдиндан бундай келишмаганликларини, унда бундай пул йўқлигини айтганида Г. пулни ҳозир беришини талаб қилиб, автомашинанинг ўзи ўтирган ўриндиғи тагидан пичоқ олиб, унинг қорнига бир марта ургани, у Г.нинг қўлидан пичоқни тортиб олиб ўзига уриб, автомашинадан тушаётганида Г. орқасидан ушлаб қолгани, Г.га қараб ўгирилиб қўлидаги пичоқ билан унинг қорин соҳасига ургани, шунда Г. унинг қўлидан ушлаб, пичоқни олиб қўйгани, сўнг иккиси ҳам автомашинадан тушишгани, у йўлга чиқиб «Нексия» русумли автомашинани тўхтатиб, Сирдарё вилояти Бахт шаҳридаги касалхонага келгани, шифокорларга йиқилиб тушганини айтиб, хушидан кетгани, 3-4 кундан кейин Самарқанд вилоятига қайтгани, 2010 йил 7 май куни уни ички ишлар ходимлари олиб кетишгани, жиноят содир қилинган пичоқ унга тегишли бўлмагани, Г. унга нисбатан жисмонан бақувват бўлгани, автомашинани босқинчилик йўли билан эгаллаш мақсади бўлмагани ҳақида кўрсатма берган.

Гувоҳ С. ва бошқалар дастлабки тергов ва судда 2010 йил 18 апрель куни Тошкент-Термиз йўналишида қора рангли «Нексия-2» русумли автомашинанинг орқа ўриндиғида ўтирган Г. улардан ёрдам сўрагани учун унга ёрдам беришгани, Г. уларга уни пичоқлаб кетганини айтиб, сув беришларини сўрагани, у ерда Г.дан бошқа ҳеч ким бўлмагани, автомашинанинг олд ўриндиғида пичоқ кўришгани, Г.ни Янгийўл тумани,

Халқобод қишлоғидаги касалхонага олиб боришгани, Г. касалхонада вафот этгани ҳақида кўрсатма беришган.

Гувоҳ Р. дастлабки тергов ва судда, 2010 йил 18 апрель куни Янгийўл тумани ҳудудида йўлнинг четида турган қора рангли «Нексия-2» автомашинасидан унча узок бўлмаган масофада, Э. автомашиналарни тўхтатиш мақсадида қўл кўтариб турганини кўриб тўхтагани, Э. автомашинанинг орқа ўриндиғига ўтиргани, қора рангли «Нексия-2» автомашинаси олдинга қараб 20-25 метр юриб орқасига қайтиб кетгани, Э. ушбу автомашина ҳайдовчиси билан уришиб қолганини айтгани, Э.ни Сирдарё вилоятининг Бахт шаҳрига ташлаб кетгани, Э. автомашинадан тушганида қорни қон эканлигини кўргани ҳақида кўрсатма берган.

Бироқ дастлабки тергов органи томонидан воқеа тафсилотлари ҳақидаги Э.нинг бир мазмундаги кўрсатмалари ҳамда процесс иштирокчиларининг ушбу ҳолатларни инкор этмаган кўрсатмалари тегишли тартибда рад қилинмасдан, иш тафсилотлари ўзгартирилган.

Суд эса, воқеа тафсилотларининг ўзгариши сабабларини атрофлича текширмасдан, дастлабки тергов органи томонидан фараз қилинган иш ҳолатларини Э.ни айблаш учун асос қилиб олиб, барвақт хулосага келган.

Олий суд Пленумининг 2004 йил 4 сентябрдаги **«Қасдан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»**ги қарорининг:

1-бандида қасдан одам ўлдиришга оид иш бўйича айб шакли, қотиллик сабаблари, мақсади ва усули аниқланиши, шунингдек, қилмишни тўғри ҳуқуқий баҳолаш ва айбдорга адолатли жазо тайинлаш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатлар текширилиши;

3-бандида айбдорнинг жабрланувчини ҳаётдан маҳрум этиш ниятида ҳаракат қилган-қилмаганлигини, ўлим юз беришини истаган-истамаганлигини ва қандай ҳолатлар исталган натижа юз беришига тўсқинлик қилганлигини аниқланиши;

4-бандида айбдорнинг қасди нимага қаратилганлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда қилмишнинг барча ҳолатлари мажмуидан келиб чиқилиши, хусусан, жинойтни содир этиш усули ва қуроли, тан жароҳатлари сони, хусусияти ва ўрни, жинойй ҳаракатлар тўхташи сабаблари, шунингдек, айбдор ва жабрланувчининг жинойт содир этилгунга қадар бўлган феъл-атвори, ўзаро муносабатлари, айбдорнинг жинойт содир этилгандан кейинги ҳаракатлари хусусияти эътиборга олиниши лозимлиги назарда тутилган.

Бироқ суд ушбу Пленум қарорининг тушунтиришларига риоя қилмаган. Суд Э. Г.ни ҳаётдан маҳрум этиш ниятида ҳаракат қилган-қилмаганини, ўлим юз беришини истаган-истамаганини, унинг қасди нимага қаратилганини, автомашинани эгаллаш мақсади бўлган-бўлмаганини ва қандай ҳолатлар исталган натижа юз беришига тўсқинлик қилганини аниқламаган.

Жинойт процессуал кодексининг 484-моддаси, 486-моддаси 4-бандида суднинг ҳукмда баён қилган хулосаларида жиддий зиддиятлар мавжуд бўлиб, улар судланувчининг айблилиги масаласини ҳал қилишга, Жинойт кодексининг нормаларини тўғри қўллашга ёки жазо чорасини белгилашга таъсир кўрсатган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлса ва юқори судда бу зиддиятларни бартараф этиш имконияти бўлмаса, ҳукмнинг бекор қилинишига асос бўлиши назарда тутилган.

Шу сабабли Олий суд жинойт ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2011 йил 12 майдаги ажрими билан Э.га нисбатан чиқарилган суд қарорлари бекор қилиниб, жинойт ишини янгидан судда кўриш учун юборилди.

Жинойт иши янгидан судда кўрилиб, Э.га нисбатан Жинойт кодексининг 104-моддаси 3-қисмининг “д” банди билан 8 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Назорат иши ЖСХ-84-11